

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 8 283,6 млрд. сўмни ва ўсиш суръати 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 104,3 фоизни, ЯҲМнинг дефлятор индекси 112,1 фоизни ташкил қилди.


Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2 094,4 минг сўмни ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,5 фоизни ташкил этди.

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

| | <i>млрд. сўм</i> январь-март ойларида | | <i>ўсиш суръати, % да</i> |
|--|--|----------------|-------------------------------|
| | 2020 йил | 2021 йил | |
| I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами | 7 083,7 | 8 283,6 | 104,3 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 6 893,8 | 8 015,4 | 104,2 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 189,9 | 268,2 | 109,9 |
| II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 6 893,8 | 8 015,4 | 104,2 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | 1 983,2 | 2 287,9 | 101,1 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 1 722,8 | 2 081,3 | 109,4 |
| Саноат | 1 262,8 | 1 514,3 | 107,5 |
| Қурилиш | 460,0 | 567,0 | 114,5 |
| Хизматлар | 3 187,8 | 3 646,2 | 103,3 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 644,8 | 766,0 | 105,7 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 592,0 | 674,4 | 101,9 |
| Бошқа хизматлар | 1 951,0 | 2 205,8 | 103,0 |

2021 йилнинг январь-март ойларида ЯХМнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,3 фоизни ташкил қилишига ялпи қўшилган қиймат ҳиссасида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғининг 14,1 фоизга, (ЯХМ таркибидаги улуши 28,5 %), саноат 11,6 фоизга (18,9 %), қурилиш 7,6 фоизга (7,1 %) хизматлар 10,7 фоизга (45,5 %) шундан савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 12,4 фоизни (9,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 11,8 фоизга (8,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 9,8 фоизга (27,5 %) ўсиши ҳисобига тўғри келди.

ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 96,8 фоизни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,2 фоизни ташкил этди.


Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,0 бандга кўпайиб ҳисобот даврида 26 фоизни, хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши 0,7 бандга камайиб 45,5 фоизни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби, % да

2020 йил январь-март



2021 йил январь-март




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 65,2 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келади ва бу кўрсаткич 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 1,4 бандга камайган.

ЯҲМда кичик бизнеснинг улуши, жамига нисбатан % да



ЯҲМнинг дефлятор индекси бўйича ўсиш суръатлари, % да



Иқтисодий фаолият турлари